

Республика Узбекистан  
Навоийский горно-металлургический комбинат  
Навоийский государственный горный институт

## СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И ИННОВАЦИИ ГОРНО- МЕТАЛЛУРГИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ

### МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ



г. Навои

14-15 июня 2012 года

Ноанъанавий усулдаги дарсларни ташкил этиш ўқитувчилик фаолиятидан фарқли кўпгина шахсий уринишларни талаб этади, яъни уни ўтказиши амалиёти учун ўқитувчига мос кўйидаги шартли “роллар” руйхати фойдали бўлиши мумкин:

Йўрикчи. Аввал ўқитувчи ўрганиладиган мавзуни беради, унда кўлланиладиган асосий тушунчалар билан таниширади.

**Рефери-ҳакам.** Дарснинг боришида ўқитувчи томонидан назорат ва қайсиdir даражада раҳбарлик килиш талаб этилади. Уни фаолиятининг ташкилий томони дарснинг педагогик самарадорлигини таъминлайди. Бу масалан, дарсларни таксимлаш характеристида кўринади, бунда ўқитувчи барча талабаларни фаол жалб этишга эришишга интилади.

Ўқитувчи кандайдир маънода ўқитувчи тренер сифатида ҳам катнашади. У дарс ва ундаги интерфаол усуллар имкониятларидан тўликрок фойдаланишларига ёрдам беришга каратилган талабаларга йўл-йўриклиар кўрсатиши мумкин.

**Раис-олиб борувчи.** Бу роль дарсни якунловчи муҳокамага тааллуклидир. Мазкур муҳокама давомида ўқитувчи дарс модели ва мазмuni, ўрганилаётган предмет материали ўртасидаги боғлиқликларни ўйлаб кўриш учун талабаларга саволларни беради. Агарда талабаларга дарснинг сценарийси ёки коидаларига ўз тузатишлари ва қўшимчаларини таклиф килишлари сўраётса, ҳамкорликдаги муҳокамада кўпгина ижодий гоялар ва хуносаларни олиш мумкин.

## АВТОМАТИК ТАХРИР ДАСТУРИНИ ЯРАТИШДАГИ ЛИНГВИСТИК МУАММОЛАР

*М.А.Абжалова*

Навоий давлат кончилик институти

Компьютер лингвистикасининг муаммоларини тўғри белгилаш ва уларни кўрсата билиш катта муваффакиятлар сари кўйилган бир кадамдир. Ана шундай долзарб масалалар каторида бугунги кунда ўзечимини кутаётган ўзбекча матнларни компьютер воситасида автоматик тарзда таҳрир ва таҳлил килиш соҳа мутахассиси олдида турган вазифадир. Шуни ҳис килган ҳолда етишиб келаётган мутахассис сифатида ушбу вазифани бажаришни ва уни амалиётга татбик килишни ўз олдимизга мақсад килиб олдик. Бугунги кунда матнни техник таҳрир килиш борасида яратилаётган ишлар асосан кўйидаги йўналишда олиб борилмоқда:

1. Компьютерли морфология
2. Компьютерли синтаксис
3. Компьютерли семантика

Морфологик таҳрирда асосан орфографик хатоларни текшириш кўзда тутилади. Ушбу мақсадга эришиш учун кўйидаги ишлар амалга оширилиши керак:

- Тилнинг лугат таркибини компьютерга киритиш, яъни электрон лугатни жорий этиши.
- Лугатдаги адабий тилга мансуб сўзларни ажратиб олиш.
- Сўзларга қўшимчалар комбинациясини биринтириш

Ўзбек тили аффиксларининг кўп вариантилиги таҳрирлаш дастурининг лингвистик маълумотлар таъминотини яратишда, лисоний-ахборот базасини кенгайтиришда бирмунча нокулайликларни келтириб чиқаради. Бу нокулайликлар кўйидагиларда кўринади:

1. Бир сўзнинг услублар доирасида ўз кўлланиш вариантига эгалиги ва ушбу услубларнинг меъёрларини ҳисобга олиб айтиш мумкинки, сўзнинг хамма услубдаги кўриниши хамда қўшимчалар билан келиш шаклини яратиш мураккаб вазифа. Шу боис автоматик таҳрир дастурининг лингвистик таъминотини яратишда илмий, расмий ва публицистик услубларда кўлланиладиган сўз ва қўшимчаларнинг олиниши ишнинг самарадорлигини оширишга хизмат килади. Масалан, *само*, *осмон*, *кўк*, *фалак* синонимик каторидаги *само* ва *осмон* сўзлари от туркуми сифатида, *кўк* сўзи эса факат ранг билдирувчи сўз сифатида олиниб қўшимчалар биринтирилса, лисоний базанинг кенгайиши ва иш ҳажми ортишининг олди олинган бўлади. *Фалак* сўзи эса бадиий услугга мансуб бўлганлиги учун алоҳида гурух таркибига киритилади (лугат бойлиги сифатида) ва кейинги боскичларда дастурни мукаммаллаштириш мақсадида бундай гурухлар ҳам ишлаб чиқилади.

2. Аффиксларининг кўп вариантилиги, омонимлик ҳодисаси, бир томондан, ахборот базасини кенгайтиради. Иккинчи томондан, дастурлаш жараёнида мураккаб ностандарт дастурлар ишлаб чиқилишига олиб келади ва ҳар бир услуг, ҳар бир янги матнга алоҳида дастурлар яратишни талаб килади. Бу эса

мутахассислардан кўп харакат ва катта шиҷоатни талаб килади. Масалан, -сина “илик” муносабатни ифодаловчи аффикс ва айирув юкламаси вазифасида келади (онагинам-онамгина). -ла аффикси айни дамда сўз ясовчи ва шакл ясовчи аффикс ҳисобланади: ишта-кувла. Дастур ўз таъминотига киритилган маълумотга биноан буни фойдаланувчига кўрсата олади. Аммо аффиксларнинг номи ва вазифасини таъминотга киритиб кўйишнинг ўзи етарли эмас. Асосий иш қўшимчалар комбинацияларини хар бир сўзга қўшилиб келиш ҳолатида моделлаштириш ҳисобланади.

3. Ўзбек адабий тилида сўзга қўшимча қўшилиши натижасида товуш тушиши (*шаҳар-шаҳри*), товуш алмашиниши (*қулоқ-қулоги*), товуш орттирилиши (*у-унга*) ходисаларини қузатишимиш мумкин. Шу боис алгоритмлар ишлаб чикишда ўзакла рўй берган ўзгаришлар ҳисобга олиниб, хосил килинадиган сўзларни “автоматик ҳосила” сифатида дастур таъминотига киритиш лозим, деб топилди. “Автоматик ҳосила” бу – сўзларга қўшимчалар қўшиш жараёнида ҳосила сўзда рўй берадиган товуш ўзгаришларининг лингвистик таъминотда айнан сакланишидир. Масалан, *сингил*, *кўнгил*, *қорин* сўзларига эгалик категориясининг I шахс-бирлик қўшимчаси қўшилиши натижасида куйидаги ўзгаришлар рўй беради: {*сингил*, *кўнгил*, *қорин*} + -им = {*сингили*, *кўнгли*, *қорним*}. Қулоқ, қироқ, бўёқ, сўзларига эгалик категориясининг II шахс-бирлик қўшимчаси қўшилганда сўз охиридаги қ товуши г товушига алмашади: {*Кулоқ*, *қироқ*, *бўёқ*, + -инг = {*қулогинг*, *қирогинг*, *бўёғинг*}. Автоматик таҳrir дастурининг лингвистик таъминотига ҳосил килинган *синглим*, *кўнглим*, *қорни*, *кулогинг*, *қирогинг*, *бўёғинг* сўзлари автоматик ҳосила (тайёр ўзак) сифатида киритилади, сўнгра уларга қўшимчалар комбинациясининг бирикиш алгоритми модуллар оркали тузилади. Дастурни яратишида ўзбек тилининг мана шундай орфографик меъёрларига эътибор каратилади ва шунга биноан дастур алгоритми тузилади. Ўзбек тилида ёзилаётган матларни, турли соҳаларга оид хужжатларни автоматик равишида таҳrir килишга эришиш максадида юкорида илк қадамда эътиборга олиниши керак бўлган муаммолар морфологик таҳrir доирасида кўриб чиқилди ва таҳrirловчи дастурнинг лингвистик таъминотини яратиш борасида мухим хulosалар чиқарилди. Бугунги кунда илм-фаннынг турли соҳаларида, кундалик ҳаётда компьютердан фойдаланиш жараёнида ўзбек тилида матн ёзилаётганда матннинг тўғридан-тўғри таҳририни таъминлаш масаласи ўзбек тилшуносарининг олдида ечимини кутаётган масала бўлиб турибди.

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРНИ ТАДБИҚ ЭТИШ

*O.R.Шамиева, X.H.Шерматова*

Навоий давлат кончилик институти

Жаҳон педагогик тажрибаси, замонавий педагогик технологияларининг талабаларни фанларга кизиктиришга, уларнинг мустакил ишлашда фаолликларини оширишга имконияти чексиз эканлигини тасдиқламокда. Фикримиз исботи сифатида НДКИ I-босқич магистрлари ўртасида “Педагогик технология ва педагогик маҳорат” фанидан ўтказилган семинар машғулотини олишимиз мумкин: “Тарбияда инновацион технологиялар” мавзусида магистр талабалар интерфаол усуллардан фойдаланиб дарс жараёнини олиб боришиди. Интерфаол усулдаги ўкув жараёнининг тузилишида қўйидаги тўртта элемент босқичини ажратиш мумкин: 1) Йўналтириш. Аввал ўқитувчи ўрганиладиган мавзуни беради, унда қўлланиладиган асосий тушунчалар билан таништиради, ўз тажрибасида қўллаган интерфаол усуллар, уларнинг коидалари билан таништиради. Ўқитувчи талабага қўшимча маълумотлар топиб, мустакил тайёргарлик кўриб келиш учун маълум вакт беради. 2) Ўкишга тайёргарлик. Талабалар ўзларининг тайёрлаган маълумотларини ва ўқитувчи тавсия этган усулларни умумлаштириб, дарс сценарийсини тузишади. Баҳолаш тизимини ўқитувчи тушунтиради. Талабалар ўртасида ролларни таксимлашгандан кейин дарсни кискартирилган ҳолда ўтказиб кўрилади. 3) Дарсни ўтказиш. Талабалар ўқитувчи ёрдамида дарс жараёнини ташкил этади. Талабалар гурухларга ажратилади. Дарсда талабалар ФСМУ, аклий хужум, SCORE, 3x4 технологияларидан фойдаланади. Дарсда фаол катнашган талабалар ва энг кўп балл тўплаган гурух баҳоланади. Мавзу хulosи килиниб, уйга топширик берилади. 4) Дарсни мухокама килиш. Ўқитувчи мухокама ўтказади, бунда дарс ўтган талабаларнинг ўқитувчилик маҳорати, имижи, танлаган интерфаол усуллари очик мунозара тарзила мухокама килинади.

Ўтказилган илмий тадқикотлардан маълумки, хар кандай фаолиятнинг самараси, унинг ташкил этиши даражасига боғлиқdir. Шундай экан хар бир ўқитувчи замон талабига мос шахсларни ўқитишнинг турли ноанъанавий усулларидан максадга мувофик ҳолда фойдаланиши лозим. Бунда маъруза дарсларни образлар кўринишида ифодалаб талабаларга кўрсатиш ва тушунтириш методикаси анъанавий ўқитиш услубига